



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRLIGIDA  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI  
RO'YXAT RAQAMI: 2925-5  
2021 - vil 08 - ivul

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BOSh PROKURATURASI HUZURIDAGI  
IKTISODIY JIHOYATLARGA QARSHI KURASHISH DEPARTAMENTINING  
QARORI**

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,  
терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини  
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига  
қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В ва 26-сон қарори (рўйхат рақами 2925, 2017 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 968-модда) билан тасдиқланган Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.  
2021 йил 29 июнь,  
344-В-5 сон



**Нурмуратов М. Б.**

**Бош прокуратура хузуридаги  
Департамент бошлиғи**

Тошкент ш.  
2021 йил 29 июнь,  
31 сон



**Рахимов Д. Ф.**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон  
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш  
департаментининг 2021 йил “29” июндаги  
344-В-5 ва 31-сон қарорига

ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини  
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига  
киритилаётган қўшимча ва ўзгартириш**

1. 22<sup>1</sup>-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги иккинчи жумла билан тўлдирилсин:

“Мазкур ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнги  
жавобгарлик нобанк кредит ташкилотларининг зиммасида қолади.”.

2. 1-илованинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.”.